



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№48 (78) 28.11.2019 йил

Матбуот — фаолиятимизни акс эттирувчи кўзгу

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

22 ноябрь куни Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев видеоселектор йиғилиши ўтказиб, унда бугунги тараққиётимизда оммавий ахборот воситаларининг роли ўта аҳамиятли эканига урғу берди ва барчага қўйидаги мурожаат билан чиқди:

“Хурматли йиғилиш қатнашчилари!
Бугун сизлар билан яна бир муҳим масалани муҳокама қилиб олишимиз зарур.

Барчангиз кўриб, билиб турибсиз, бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида очиқлик ва шаффофлик таъминланмоқда. Замон тез ривожланмоқда, халқимизнинг дунёқараши ўзгармоқда.

Бу борада, айниқса, оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнамоқда. Улар ҳаётини муҳим масалаларга эътиборимизни қаратиб, муаммоларни ҳал эттиришда бизга кўмаклашмоқдалар.

Демократик жамиятнинг асосий талабларидан бири ҳам шу.

Шуни эсдан чиқармайлик, матбуотни фаолиятимизни акс эттирувчи кўзгу деб билишимиз керак. Афсуски, кўп йиллар давомида биз ана шу кўзгуга қарашни ўзимизга эп кўрмадик.

Оқибатда ҳақиқий қиёфамизни кўролмай қолдик. Халқимизга очиқ-ойдин маълум бўлиб турган айбу нуқсонларимизни тан олмасдан, “мен ҳаммадан зўрман” деб ўзимизга бино қўйиб, кеккайиб юрвердик. “Ўзинг қийишқ бўлса, ойнадан ўтқалама” деган доно мақолни буткул унутиб қўйдик.

Йиллар давомида жамиятимизда қанчадан-қанча иллатларнинг томир отиши, муаммолар-

нинг йиғилиб қолишининг асосий сабабларидан бири ҳам шу бўлгани, айни ҳақиқат.

Мен бу гапларни нима учун айтаётганимни ҳаммангиз яхши тушуниб турибсиз. Бугун барча бўғиндаги раҳбарларнинг жамоатчилик билан, айниқса, оммавий ахборот воситалари билан муомала маданияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим масалага айланди.

Айрим ҳолларда раҳбарлар томонидан танқидни қабул қила билмаслик, нима қилиб бўлса-да, уни тан олмасликка бўлаётган уринишларда ҳам кўзга ташланмоқда.

Афсуски, баъзи раҳбарлар халқ билан, матбуотчилар билан мулоқотда оддий муомала маданиятини, маънавиятини унутиб қўйишмоқда. Улар томонидан қилинган мурожаатларга ўз вақтида, ҳолис жавоб берилмаслиги ҳам ҳақиқий эътирозларга сабаб бўляпти.

Ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз, деярли ҳар кун ижтимоий тармоқларда қайсибир раҳбарнинг фаолияти билан боғлиқ шов-шувели хабар тарқалапти. Уларда берилмаётган танқидий материалларга ўз вақтида ҳолис, асосли муносабат билдирилмаётгани оқибатида одамлар орасида ҳар хил фикрлар, баҳс-мунозаралар юзага келмоқда.

Энг ачинарлиси, баъзи раҳбарлар жамоатчи-

лик ўртасида турли зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бундай ҳолатларнинг олдини олиш ўрнига, кибру ҳавога берилиш, ўзига бино қўйиш билан масалани янада чигаллаштирмоқда.

Тушунман, ҳар кимнинг ўзига яраша гурури, иззат-нафси бор.

Лекин раҳбар шуниси билан раҳбарки, у нафақат ўзининг шаъни, балки давлат идорасининг обрўсини ҳам сақлашга масъул эканини унутмаслиги керак.

У ҳар қандай тўсиқ ва қийинчиликларга, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келмасин, вазиятдан оғир-босиқлик ва вазминлик билан чиқиб, фақат қонунга асосланган тўғри қарор қабул қилиши шарт.


Шу билан бирга, ҳар қайси раҳбар ўз масъулияти ва жавобгарлигини, аввало, ўз виждони олдида, унга ишонч билдирган эл-юрт олдида чуқур ан-гласа, фаолиятда қатъиятлик билан вазминлик, талабчанлик билан ақл-заковатни ўйғунлаштира олса, халқнинг чинакам меҳрини ва ишончини қозона олади.

Ҳоҳ у Ҳукумат аъзоси бўладими, вазир бўладими, ҳоҳ ҳоким бўладими ёки прокурорми, ушбу талаб — барчамизга, оммавий ахборот воситалари ходимларига ҳам бирдек тегишли.

Буни унуттишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.”


Ушбу сонда

Эзгулик ёғдуси
Профессор
Адиба
Носировани
хотирлаб...



5-саҳифада >>>

“Пултопар” кўрсатувлар



4-саҳифада >>>

Кино санъатми ёки саноат?

Кинони дунёдаги энг сеvimли санъат тури дейиш мумкин. Бугунги кунда ўзбек киноси ҳам жадвал суръатларда ривожланмоқда.

2-саҳифада >>>

Брифинг



Ютуқлар ўзимизники, камчиликлар ҳам

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида Миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ижроси ва келгусида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси директори Одил Абдуқаҳоров, вазирилик бошқармалари, тизим ташкилотлари бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ижтимоий тармоқ, турли сайтлар вакиллари ва блогерлар иштирок этди.

Тадбирни вазириликнинг ахборот хизмати матбуот котиби Мавлуда Асқархўжаева олиб борди.

Маълумки, сўнгги йилларда юртимизда кечётган оламшумул воқеалар бевосита маданият соҳасига ҳам дахлдор. Турли халқаро анжуманлар, фестивал-танловлар — халқаро мақом санъати, бахшчилик, хунармандчилик фестиваллари каби маданият, санъат, адабиёт соҳасида олиб бо-

рилган салмоқли сайё-ҳаракатлар юртдошларимиз кўз ўнгидега содир бўлмоқда.

Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев халқимизнинг маънавий-маърифий, маданий савиясини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этган соҳага доир Президентимиз қарорлари ижроси борасида айтишга аргизулик ишлар амалга оширилгани, оширилаётганини таъкидлади.

Хусусан, концепциянинг асосий вазифалари этиб белгиланган маданият муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан 42 та маданият марказларидан 5 тасини янгидан қуриш, 12 та реконструкция ва 25 та мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш топишриги белгиланган. Ҳозирги кунда 25 та мукамал таъмирланадиган маданият марказларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, Қурилиш вазириликнинг “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонасининг ижобий эксперт хулосалари олинган ҳамда ушбу маданият марказларида мукамал таъмирлаш ишлари якунланмоқда.

Маданият марказларида овоз ёзиш, фото-ви-

део, театр студияси, кутубхона ва ўқув зали, кино зали, картиналар галереяси, спорт секцияси, аттракционлар шаҳарчаси ва болалар дунёси бурчаги, ёғи саҳна, лингафон, компьютер, тўғрак, ансамбль, миллий хунармандчилик ва маиший устаноналарни ташкил этиш бўйича тадбиркорлик субъектлари жалб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Моддий-маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни асосида қатор тизимли тадбирлар режаси асосида республикада мавжуд 37 та театрда 250 дан ортиқ турли жанрдаги спектакллар аҳолига бепул намойиш этилди. “Энг яхши спектакль либослари”, “Энг яхши спектакль декорациялари” номинациялари эълон қилиниб, экспертлар гуруҳи томонидан баҳоланди. Умуман, маданият соҳасидаги ишларни кенг қўламда олиб

бориш, Президентимизнинг бешта ташаббуси доирасидаги амалий, маданий-маърифий тадбирлар халқимизнинг маданият, санъат ва адабиётга бўлган қизиқишини тобора орттираётгани ҳам бор гап. Бу борада устоз-шоғирд анъаналари, таниқли санъаткорлар томонидан ўтказилаётган маҳорат дарслари, “Мен — дирижёр”, “Мен театршуносман”, “Қадимий анъаналар — кадримиз”, “Рақс сеҳри” каби лойиҳалар халқимизга манзур бўлмоқда. Аммо камчиликларимиз, охирига етказилиши керак бўлган ишларимиз ҳам талайгина, буни барчамиз ҳамкорликда амалга оширишимиз, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятига, кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу борада ҳам тегишли ишлар амалга оширилиб, мусиқа мактаблари, ўқитувчиларнинг 100% олий маълумотли бўлишларига эришишимиз лозим.

Маданият вазириликнинг ҳисоботидан сўнг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан қизгин суҳбат, баҳс-мунозара ўтказилди. Эътиборлиси, барча саволларга асосли, атрофлиқ жавоб берилди.

С.РИХСИЕВА

Донлар сузлайди... >>>


Хамиша ақлингни раҳнамо этгил, Нолойиқ ишлардан олисга кетгил. (Фирдавсий)

Қўл остидагиларидан норози бўладиган, издошларини ҳимоя қилмайдиган, уларни дўсти деб билмайдиган раҳбар ношуддир. (“Авесто” дан)

Раҳбар томонига зўр бердим, обрўдан путур кетгани бўлади. (Абдулла Қаҳқор)

Замонавий
имкониятлар

**Кўзи
ожизлар
учун
интерактив
ўйинлар**



Маълумки, Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасининг TELEGRAM (<https://t.me/rmkok>), FACEBOOK (PMKOK кутубхона) ва INSTAGRAM (@Rmkok Kutubxona) ижтимоий тармоқ ҳамда мессенджерларида ўз саҳифалари мавжуд.

Шу кунгача Ўзбекистонда кўзи ожиз фойдаланувчилар


ушун ҳеч қандай интерактив компьютер ўйинлари жорий қилинмаган эди. PMKOK WEB-дастурчиси Шерзод Бобоқулов томонидан "Smart-bomb", "City's" "Сокровище пещеры Монте-Кристо" номли айнан кўзи ожиз фойдаланувчилар учунгина интерактив-саргузаштли ўйинлар жорий этилди.

Шунингдек, мутахассис Шерзод Бобоқулов муаллифлигида Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси овоз эиш студияси томонидан кўзи ожиз фойдаланувчилар учун "Adobe Audition дастури"ни аудио подкастлар ёрдамида ўрганимиз" номли аудио ўқув қўлланмаси ҳам ёзилди.

Қадимий маданият

“Авесто” музейи — тарих ва маънавият кўзгуси

Инсоният тарихида хат-ёзув пайдо бўлганидан бери ўтган 5 – 7 минг йиллик давр мобайнида аждодларимиз неча юз минглаб ёдномалар ёзиб қолдиришган. Кайдлар дастлаб ёғоч пўстлогига, тошга, терига, пергамент парчалари, кейинроқ мис, темир тахтачаларга, суяк ва ипак матоларга битилган.



Сўнгги йилларда Сармишсой (Навоий вилояти), Обигарм (Тошкент вилояти), Султон Увайс тоғ ёнбағрларидан (Кўхна Хоразм) топилган овчилик, чорвачилик касбинини ифодаловчи шакл-расмлар, жумладан, ой, қуёш, ноль ёки бир рақамини эслатувчи белгилар тарих фани учун ўзига хос янгилик бўлди. Чунки улар тақомиллашиб, ҳозирги ҳолатга келган ёзув, алифболарнинг дебочаси саналади.

Жаҳон халқлари адабиётининг нодир дурдоналари: “Гангамиш”, “Уликлар китоби”, “Ун-цзи”, “Трипитака”, “Веда”, “Инжил”, “Таврот”, “Илиада” сингари китоблар, кўшик, достон, мадхия, афсона ва мифлар озаки ва ёзма тарзда авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача етиб келган. Улар ичида энг ноёбларидан бири “Авесто” дир. Қадимий Хоразмийлар тилида у “Пўстак”, “Апастак”, кейинчалик “Абиста”, яъни мол териси – пўстакка битилган битиклар, деган маъноларни аниқлатади.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов 2001 йил 2 ноябрь куни Урганч шаҳрида “Авесто” китоби ёзилганининг 2700 йиллигига бағишланган нутқда қуйидаги сўзларни айтган эди: “Энг мутабар қадимий кўлёмасмиз “Авесто”нинг яратилганлигига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан ўттиз аср муқаддам икки дарё оралиғида, Хоразм заминидан умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айни замонада бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганлигини гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдир, уни ҳеч ким инкор этолмайди.”

Дарҳақиқат, холис фикр юритувчи тадқиқотчилар “Авесто”нинг Хоразм воҳасида ёзилганини тан олдилар. Уни нафақат тарихий, этнографик, диний асар, балки еру осмон, борлик ва инсон тафаккурининг мангулиги, дунёнинг яратилиши, наботат ва табобат, эзгу фикр, эзгу сўз ва амалларни тарғиб этувчи, дунёни янгилашга қаратилган илк цивилизация қомуси деб ҳисоблайдилар. Асар марказида еру, сув, ҳаво, ўт-олов ва атроф

муҳитни яшнатувчи инсон меҳнати, унинг ақлу заковати билан вужудга келадиган тамаддун тараққиёти мужассамдир.

Дунё халқлари тарихида ҳеч бир китоб “Авесто”чалик қаршиликка дуч келмаган, ўт-оловда ёндирилса ҳам, йўқ бўлиб кетмаган.

Абу Райхон Беруний “Едгорликлар” асарида қайд этишчи, “Доро саройида “Абиста”нинг 12 минг қорамол терисига тилло суви билан битилган нусхаси бор эди. Уни Исқандар Зулқарнайн ўтда ёқди ва бир қисмини устози Арастуға (Арастотель) жўнатди” – деб ёзади.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳуқуқатимизнинг “Авесто” китоби ёзилганлигининг 2700 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш бўйича таклифини маъқуллағач Урганч шаҳрида 20 гектарлик боғ-мажмуа бунёд этилди ва 16 метрлик маҳабатли ёдгорлик-монументи ўрнатилди.

Ва лекин... “Авесто” ватани Хоразм ўлкасида унинг мероси, ярали тарихи маҳаллий халқ турмушида ҳанузгача амал қилиниб келатган урф-одат, расм-русумлар, топонимик ёдгорликлар, рақс, лапар, фольклор санъатидаги жозибдор ўйинлар ҳақида ҳикоя қилувчи музей яратилиш ҳеч қимнинг хаёлига ҳам келмади. Мазкур муаммони ҳал этиш учун ўлкашунос-олимлар, ҳаваскор археолог ва санъаткорлар бел боғлаб, ишга киришди.

2000-2001 йилларда воҳа бўйлаб илмий-амалий экспедиция ташкил этилди. Унинг таркибиде этнограф, археолог, марфогелог, тарихчи олимлар, телерадио муҳбирлари бор эди. Экспедиция икки йил давомида баҳор ва куз ойлари Тўямўйин дарасидан Орол денгизигача, Хива атрофидан Аёз қалъагача бўлган сал кам 70 км.лик йўлни қадам-бақадам босиб, кўхна қалъалар, харобалар, зиёратгоҳ ва қабристонлардан 100 дан зиёд артефактлар, остодонлар, топонимик номлар, 5 – 7 минг ва ҳатто миллион йиллик ўтмишга доир ноёб ашёвий далиллар топилди. Шу тариқа, музей бойиб борди. Унинг хона ва залларидан “Археология”, “Этнография”, “Авесто изидан”, “Хоразм алломалари”, “Маъмур академияси”, “Эл ардоқлаган кишилар” мавзудаги композициялар жой олди.

2006 октябрь ойда Қорақалпоғистоннинг Чилиққалъа қабридан қавлаб олинган Юра даврига оид 85 – 90 миллион йиллик, тошга айланган дарахт, 2200 йиллик остодон (ганчдан ишланган оссуарий – мархумларнинг қуёшда қуритилган суякларини сақлайдиган қабртош), Алишер Навоийнинг Ҳиротда кўчирилган “Хамса” кўлёмаси нусхаси сақланмоқда. Асарнинг боши ва охириги варақлари, ички саҳифалари захдан бироз шикастланган бўлса-да, у бизга аждодларимизнинг китобат санъати тажриба маҳоратидан, ҳусниҳат ёзуви борасидаги маънавияти нақадар юксаклигидан далолат берувчи бебаҳо ҳужжат ҳисобланади.

Музей фондида 2 мингга яқин турли даврларга доир кўлёмас ҳужжатлари, ашёвий далиллар, миллий либослар, уй-рўзгор буюмлари, XIX-XX асрларда ясалган тасвирий санъат намуналари, фото-материаллар мавжуд. Шунингдек, “Авесто”нинг қўй терисига ёзилган график нусха макети (нусхаси), XV, XIX асрларда Ҳиндистон (Бомбей), Париж, Лондон, Копенгаген, Москва, Тёхрон ва Тошкент шаҳарларида босмадан чиқарилган китоб нусхалари – томошабинларда катта таассурот қолдиришди. Турли динларнинг муқаддас китоблари на мойиш этилаётганлиги эса ёшлар дунёқаролининг шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, “Авесто”нинг ўз ўрнини тиклаш учун XIV аср вақт керак бўлди. У дастлаб 1991-1992 йилларда “Гулистон” журнали саҳифаларида босиб чиқарилиди. 2001 – 2015 йилларда Ғафур Ғулум номидаги “Адабиёт ва санъат нашриёти” да икки марта кўп нусхада чоп этилди.

Аниқланган далиллар, эълон этилган мақолалар, санъат асарлари, жумладан, Ўзбекистон халқ расмони Тўра Қурёзовнинг “Авесто” мавзусидаги жозибдор полотнолари диёр мозийси, динлар ва маънавият тарихи ҳамда унинг бугунги ҳолати чиндан ҳам “Авесто” ватани Хоразм воҳаси эканлигини тасдиқлайди.

“Авесто” дунё халқлари тамаддуни (цивилизация)нинг рад этилмас формуласи – тамал тоши, десак ҳеч ҳам муболага бўлмайдими. Тасаввур этиб кўрайлик.

Ундаги асосий чақириқ: Эзгу фикр-бош ғоя-ният, ўй Эзгу сўз-лоийха, концепция, Эзгу амаллар каби сўзлардан, ба-жариладиган юмушлар, уй-иморат, қурилмалардан иборат.

Бу ҳар қандай жамиятда, ҳар қайси минтақада, ҳар қандай муҳит-шароитда амалга оширилиши лозим бўладиган ҳолатлар тизимининг режаси эмасми? “Авесто” – инсонларни эзгу сўз, эзгу амалларга даъват этувчи ва хавф-хатардан огоҳликка чақирувчи мангу чақириқдир. Ушбу ҳаётбахш таъминот музейдаги жадвал ва рангли тасвирларда оддий-содда тарзда кўрсатилган.

Шунингдек, воҳа тарихида умрини эзгуликка бахшида этган буюк шахсларни эсламай ўтиш мумкин эмас. Ўз ҳисобидан воҳада энг гўзал минорани қурдирган Хива хонининг бош вазири Саййид Исмоил Хўжа, Хоразм тарихи ва санъати дурдоналарини йиғиб, дунёга донг таратган буюк ўлкашунос коллекционер И.В.Савицкий (1915 йил, Киев, 1984 йил, Нукус), урганчлик Ниёзмат Ҳожи Матчанов (1925 – 2006), ЮНЕСКО халқаро ташкилоти информация академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Худоёр Оллоёров эзгу амалларни шпор қилиб, ҳаёт мазмунига айлантириб, ўзларидан бебаҳо мерос қолдирган саховатли, улуг инсонлар эди.

Урганчлик Ниёзмат Матжанов умрбўйи тўплаган пул маблағларини “Авесто мероси” (Хоразм тарихи ва маданияти) музейи учун яратилсин – деб васият қилган. Шунинг учун Урганч шаҳрининг Шовот канали соҳилидаги 2 қаватли муҳташам саройда халқаро “Олтин Мерос” жамғармаси қошидаги хайрия музейини ўша жойга кўчириб, давлат мақоми берилади.

Комилжон НУРЖАНОВ,
“Авесто” музейи директори

тарихи ҳамда унинг бугунги ҳолати чиндан ҳам “Авесто” ватани Хоразм воҳаси эканлигини тасдиқлайди.

“Авесто” дунё халқлари тамаддуни (цивилизация)нинг рад этилмас формуласи – тамал тоши, десак ҳеч ҳам муболага бўлмайдими. Тасаввур этиб кўрайлик.

Ундаги асосий чақириқ: Эзгу фикр-бош ғоя-ният, ўй Эзгу сўз-лоийха, концепция, Эзгу амаллар каби сўзлардан, ба-жариладиган юмушлар, уй-иморат, қурилмалардан иборат.

Бу ҳар қандай жамиятда, ҳар қайси минтақада, ҳар қандай муҳит-шароитда амалга оширилиши лозим бўладиган ҳолатлар тизимининг режаси эмасми? “Авесто” – инсонларни эзгу сўз, эзгу амалларга даъват этувчи ва хавф-хатардан огоҳликка чақирувчи мангу чақириқдир. Ушбу ҳаётбахш таъминот музейдаги жадвал ва рангли тасвирларда оддий-содда тарзда кўрсатилган.

Шунингдек, воҳа тарихида умрини эзгуликка бахшида этган буюк шахсларни эсламай ўтиш мумкин эмас. Ўз ҳисобидан воҳада энг гўзал минорани қурдирган Хива хонининг бош вазири Саййид Исмоил Хўжа, Хоразм тарихи ва санъати дурдоналарини йиғиб, дунёга донг таратган буюк ўлкашунос коллекционер И.В.Савицкий (1915 йил, Киев, 1984 йил, Нукус), урганчлик Ниёзмат Ҳожи Матчанов (1925 – 2006), ЮНЕСКО халқаро ташкилоти информация академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Худоёр Оллоёров эзгу амалларни шпор қилиб, ҳаёт мазмунига айлантириб, ўзларидан бебаҳо мерос қолдирган саховатли, улуг инсонлар эди.

Урганчлик Ниёзмат Матжанов умрбўйи тўплаган пул маблағларини “Авесто мероси” (Хоразм тарихи ва маданияти) музейи учун яратилсин – деб васият қилган. Шунинг учун Урганч шаҳрининг Шовот канали соҳилидаги 2 қаватли муҳташам саройда халқаро “Олтин Мерос” жамғармаси қошидаги хайрия музейини ўша жойга кўчириб, давлат мақоми берилади.

Комилжон НУРЖАНОВ,
“Авесто” музейи директори

Маънавий озуқа



Отаҳон театрга ташриф

Театр – ойнадур...
Театр – ибратхонадур...
Театр – тўғри сўзлагувчи ва ҳақиқатни очик билдирувчидир.


Маҳмудхўжа Бехбудий.

Ушбу сатрлар тарих зарварақларига бежиз киритилмаган. Чунки юқори савиядаги саҳна асари жамиятимизда юз бераётган жараёнларнинг маъно-мазмуну ва аҳамиятини тасвирчан образлар орқали чуқур очиб беради.

Шундай саҳна асарларидан бири 17 ноябрь куни Самарқанд вилоят муסיқали драма театрида томошабинлар ҳуқмига ҳавола этилди.

Холиқ Хурсандов қаламига мансуб, режиссёр Ашраф Бобоев томонидан саҳналаштирилган “Бир ўлиб кўрайчи” (комедия) спектаклида ҳикоя қилинишича фарзандлар ўз ишлари, ўқишлари, ижтимоий ҳаётларидан ортмай, ота-онасидан хабар олишга бўш вақт тополмайди.

Боаларини жуда соғинган ота, ҳатто уларнинг бир бор келиши учун “бир ўлиб кўриш” режасини тузиб, зурриётларининг меҳр-оқибатини текшириб кўрмоқчи бўлади. Бунга ота хотини ва яқин жўраси кўмағида эришади.



Спектаклни томоша қилиш учун театрга вилоят ҳокими ўринбосарлари Рустам Қобилов, Абдумажид Нурқулов, Самарқанд шаҳар ҳокими Бобурмирзо Облоқулов ва жамоатчилик вакиллари ташриф буюришди.

Саҳна асарини томошабинлар катта қизиқиш ва ҳаяжон билан қарши олишди. Маънавий озуқа ва мароқли дам учун ташкилотчиларга ва ижодий жамоага миннатдорчилик билдиришди.

» Зие маскани

Раҳбардан 10 та китоб



Маълумки, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг китобга, муролага иштиёқини янада ошириш мақсадида кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, юртбошимизнинг “Раҳбардан 10 та китоб” ташаббусини ОАВдан ўқиб ёки эшитаётганлар буни қўллаб-

қувватлаб, ҳатто турли соҳаларда фаолият юритаётган соҳаватпеша ҳамюртларимиз сони тобора кўпаймоқда. Шу кунларда Қўқон шаҳар маданият бўлими марказий кутубхонасининг китоб фонди яна 200 донага кўпайди. Кутубхона сиёсий, болалар ва катталар учун мўлжалланган бадиий ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари би-

лан бойитилди.

Биз бунга ўз ҳиссасини қўшган раҳбарлар Иброҳимжон Сулаймонов ва Орифхон Мўминов сингари саҳий, ибратга лойиқ инсонларнинг кўпайиб бораётганидан мамнунмиз – дейди кутубхона мудираси Одинахон Мирёкубова.

Н.Усмонов, Қўқон шаҳар Маданият бўлими ходими

» Санъатга ошно қалб

Ўзбек рақсини дунёга танитаётган Ситора

Болалигидан рақсга ошно Ситора Зиёева 1998 йил Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида дунёга келган. У 2012 йил Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига ўқишга киришга муваффақ бўлади. 2016 йил Қозоғистон Республикаси Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган “Өрлеу” V Халқаро хореография ўқув юртлари кўрик танловида фахрли 2-ўринни қўлга киритади. 2017 йилда эса Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби (бакалаврият)га имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинади. 2017 йил Ҳиндистоннинг Хайдарабод шаҳрида ўтказилган биринчи халқаро рақс фестивали иштирокчиси бўлса, 2018 йил “Бухоро жилolari” миллий рақс ижрочиларининг республика кўрик-танловида 3-ўринни эгаллайди. Шу йили Швейцария, Польша, Эстония, Латвия ва Финландия давлатларида гастрол сафарларида бўлди ва декабрь ойида Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрида ўтказилган “New Star KZ” IV халқаро ашула ва рақс кўрик танловида 1-ўринга лойиқ деб топилди. 2019 йилда эса “Ниҳол” Давлат мукофоти соҳибасига айланди. Жорий йилнинг октябр ойида Жанубий Корея давлатининг Андонг шаҳрида бўлиб ўтган “Андонг Mask dance festival 2019” доирасида рақс бўйича «Якка ижрочилик йўналиши»да бронза медали соҳибаси бўлди.



» Оммавий тадбир



Байроғимиз-фахримиз!

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига 28 йил тўлиши муносабати билан Фориш туман Маданият бўлими ҳамда ҳамкор ташкилотлар 18 ноябрь куни туман марказида “Байроғимиз – фахримиз!” номли оммавий маданий тадбир ўтказишди. Дастлаб барча иштирокчилар қўлларида миллий байроғимизни тутиб, туман йўл патрул хизмати биноси ёнида сафландилар. Сўнгра ҳамма ИИБ йўл патрул хизмати ходимлари бошчилигида доирачилар гуруҳи билан бирга 18-Болалар мусика ва санъат мактабига саф тортиб боришди. Байрамга ташриф буюрганлар тантанали садолар

остида кутиб олинди. Тадбирни туман Маънавият ва маърифат маркази бўлими раҳбари Нодир Солиев очиб бериб, йиғилганларни байрам билан муборакбод этди.


Шундан сўнг оммавий кеча доирасида ташкил этилган умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида эълон қилинган “Бизнинг байроқ” мавзусидаги фототанлов якунлари эълон қилинди. “Энг кўп лайк тўплаган фото” номинацияси бўйича 1-мактаб, “Энг яхши жамоавий фото” номинациясида 5-мактаб ва “Энг яхши креатив фото” номинациясида 10-мактаб жамоалари ғолиб деб топилди, уларга Маданият бўлимининг диплом, фах-

рий ёрликлар ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Бундан ташқари, “Менинг оролим” акцияси доирасида 18-Болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан расмлар кўرғазмаси ташкил этилди. Шунингдек, бўлим кутубхонаси ва туман кўзи оқизлар кутубхонаси томонидан “Байроғимиз – ифтихоримиз” номли китоблар кўрғазмаси ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда иштирокчиларга Маданият бўлими ва мусика мактаби ўқувчилари ижросидаги Она Ватанини, тинчликни ва дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлардан тузилган концерт дастури тақдим қилинди.

» Мулоҳаза

“Пултопар” кўрсатувлар



Инсониятни манипуляция қилиш, енгил-елпи ҳаётга ўргатиш, жамиятда кечаётган муҳим воқеа-ҳодисалардан чалғитишда телевидениенинг ўрни беқийёс. Пайқаганингиздек, мақоламда ўзбек телевидениеси хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Ойнаи жаҳон орқали узатилган хабар, реклама ёки шунга ўхшаш маълумотлар ОАВнинг бошқа турларига қараганда анча самаралироқ. Хусусий телеканалларнинг кўпайиши сўз эркинлигини таъминлаш, қолипдаги матбуотни ўзгартиришга замин яратади. АҚШ Президентларидан бири Томас Жефферсон “Агар кучли давлат ва заиф журналистика бўлса, мен уни танламайман, менинг танловим кучли журналистика ва заиф давлат бўлади” деган эди. Зеро журналистикани телевидениесиз тасаввур этиш қийин.

Зангори экранда узатилаётган турли шоулар, ижтимоий кўрсатувлар, фильм ҳамда сериаллар, рекламалар барча-барчаси томошабин эътиборини қозониш учун қилинади. Демак шоулар ҳақида...

Асосан хусусий телеканалларда авж олган

бу турдаги дастурлар 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган томошабинлар аудиториясига мўлжалланган.

Қадимги Рим амалдорлари орасида шундай ибора бўлган: оч қолган одамларга томоша кўйиб берсанг, очлигини унутади. Бу иборани бекорга келтирмадим. “Бориға барака”, “Омад шоу”, “Олтин қалит” каби кўнгилочар, аниқроқ айтганда, пултопар кўрсатувлар сони ортса ортыптики, сифатга келганда “эски ҳаммом – эски тос”.

Биргина “Бориға барака” капитал-шоусини мисол келтирмаман. Қисқа вақт ичида миллионлаб мухлислар қалбидан жой олди. Ўйин шартлари оддий. 5 000 сўм тўлайсиз ва иштирок этиш имкониятига эга бўласиз. Омаднингиз келиб қолса, иштирокчига айланасиз. Табиийки, ўйиндан ҳеч ким қуруқ кетмайди. Миллионлаб қийматга эга маиший техника буюмлари,

машина, уй ютиб олишингиз мумкин.

Жамиятдаги ўзгаришлардан чалғиб, осон пул топишни кўзлаган кимсалар учун “Бориға барака” айни муддао бўлди. Бунни сезган бошқа телеканаллар ҳам янги ғоялар ўйлашга қаттиқ киришди. Ҳамкорлар излади. Топди ҳам. “Омад шоу”, “Олтин қалит”, “Миллионер шоу”, “Ситро шоу”. Фақат сал ўзгачароқ йўлини топилди – “Қопқоқ остидаги қодни бизга жўнатиб, ўйин иштирокчисига айланг”.

Бир пайтлар турк сериаллари билан ўз рейтингини кўтаришга ўрганиб қолган телеканалларимиз, эндиликда шоулар ва ҳар хил акциялар билан томошабинлар эътиборини қозонмоқда. Асосан энергетик ичимликларни қамраб олган акциялар одамни қизиқтирмай қолмайди. “Мазасига гап йўқ”, “Қувватга кир”, “Ўзингга ишон”, “Спарк, Ласетти, Малибу, ўзинг

танла!” каби одамга ёқадиган сўзлар...

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Энг ачинарлиси, отабоболари соҳибқирон, олимۇ авлиё бўлган юрт фарзандлари қопқоқ остидан бахт изласа. “Қопқоқнинг беш қисмини топинг, малибу ютиб олинг”, “...Сотиб ол, Тошкент Ситидан квартира ютиб ол...”

Ижтимоий тармоқларда тез-тез бир хил мазмундаги сўзлар тарқалмоқда. Яъни “Ситро”нинг 4 қисми керак, икки минг долларга сотиб оламан қабилидаги. Бу ҳам етмаганидай, қайсидир бир шоввоз бир камаз WF ичимлигини сотиб олиб, ютуқли қопқоқ излаётганмиш.

Хулоса ўрнида шунини айтишим мумкинки, инсон бирор бир натижага ўз меҳнати билан эришмас экан, унинг ҳақиқий лаззатини ҳис қилмайди.

Карим ЗАРИПОВ

Ижодий учрашув

Ёдгор Сабдиевдан маҳорат дарси

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари суриб, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган аниқ вазибаларни белгилаб берди.

Шу асосида имплементация стратегиясини жорий этишга қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Уни амалиётга жорий этиш мақсадида 20 ноябрь куни Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Халқ артисти Ёдгор Сабдиев билан "Мен театршуносман" лойиҳаси доирасида ижодий учра-

шув бўлиб ўтди. Кечада эл суйган актёр ҳаваскор театр тўғрақлари қатнашчиларига маҳорат дарсларини ўтиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Шунингдек, тадбирда "Халқ" унвонига эга театр ижодий жамоаси ходимлари, ихтисослаштирилган маданият мактаби ўқитувчилари ҳам иштирок этишди.



Устоз ўғити

Эзгулик ёғдуси

Дунёда шундай инсонлар борки, улар олдида бир умр қарздоримиз ва уни на сийму зар, на дуру гавҳар билан узиб бўлмас. Бу – устозларимиз. Бежизга буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий "Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чарғобонидир" деган таърифни келтирмаган. Устоз шахс камолотида муҳим ўрин тутади. Жаҳонни фатҳ этган соҳибқиронни, доврўғи дунёни тутган олим фозилларни, илму маърифатли донишмандни камолотга етказган ҳам устозлардир.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида кўп йиллар фаолият кўрсатган, умрини толиби илмларга бағишлаган профессор Адиба Носирова ана шундай муътабар устозлардан бири. Олима институтда "Саҳна нутқи" фанидан сабоқ берган. У ўз қабилани, маданият ва санъат соҳасини чин дилдан севиши, жонқурлиги, фидойилиги, айниқса, талабаларга меҳрибонлиги билан ҳамманинг кўнглидан жон олган.

Кўз нури, қалб қўрини ёшларга билим ва тарбия беришга бағишлаган устоз талабаларга саҳна нутқининг нечоғлик муҳим эканини ва ҳаётда ширинсўз, камтар инсонга юксак обрў-эътибор келтиришини синдириб чарчамасди.

Яхши китоб қанотли қўшиққа ўхшайди. У инсон қалбига кириб бориб, кишиларни яхшиликка ва эзгуликка чорлайди. Яқинда профессор Адиба Носированинг "Академнашр" нашриётида театршунослар, санъаткорлар, нотиклар, маданият ва санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ва профессор-ўқитувчиларига мўлжалланган "Санъат менинг тақдиримда" деб номланган китоби чоп этилди.

Мазкур китоб учта бўлимдан иборат бўлиб, ундан илмий ва оммабоп мақолалари, интервью ва ҳикоялари ўрин олган. Шунингдек, "Саҳна нутқи масалалари", "Езма манбалардан нутқ маданияти", "Ёшлар маънавиятида бадий сўз санъати", "Монолог устида ишлаш", "Саҳна нутқи муаммоларига доир қайтлар", "Сўз санъати ва масъулият", "Жонли сўз санъати бўйича услубий кўрсатмалар" каби долзарб мавзуларда замонавий санъат таълимида саҳна нутқи фанини ўқитишнинг инновацион-концептуал асосларини очиб беришга доир назарий қарашлар кенг ёритилган.

"Саҳна нутқининг ижтимоий аҳамияти шундаки, у оила, маҳалла, ташкилот ҳамда жамоатчилик жойлари билан узлуксиз ҳаётда назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Саҳнавий нутқ нафақат актёр ва режиссёр, балки ҳар бир соҳа вакиллари учун юксак муомала маданиятига эришишда бирламчи восита бўлмоғи лозим" – деб ёзади муаллиф. Дарвоқе, бутунги кунда


одамлар ўртасида энг оғриқли ҳолат бу – муомала маданиятининг талаб даражасида эмаслиги. Афсуски, кўпчилигимиз бадий сўз ва унинг куч-қудрати, миллий маънавиятимизнинг асл дурдонаси эканига етарлича эътибор қаратмаймиз. "Яхши сўз – жон озиги", – дейди доно халқимиз.

20 ноябрь куни тақдироти ўтказилган китобда профессор Адиба Носирова "Нутқнинг таъсирчан бўлиши ўзининг нафосати ва жозибаси билан белгиланади, сўз ижрочилиги ўзига ҳам санъат" дея таъкидлангани ҳам бежиз эмас, албатта! Ушбу хулосалар нотиклик санъатини ўрганиш ва амалиётда унинг имкониятларидан унумли фойдаланишда дастуриламал бўлади. Нашрдаги иккита жиҳат ўқувчи диққатини алоҳида ўзига тортади. Биринчиси, унинг бутунги кунда, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар талабига жуда мослиги. Унда "Саҳна нутқи" фанини замонавий ўқитишнинг асосий тамойиллари, фани ўқитишнинг ижтимоий ва ҳуқуқий, шунингдек, замонавий педагогик технология усулларидан фойдаланиш асослари илмий-назарий жиҳатдан содда ҳамда раvon тилда тушунтириб берилган.

Иккинчиси, китоб фақат услубий қўлланмагина бўлиб қолмай аҳоли ўртасида, айниқса, ёшларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш, устоз-мураббийлар меҳнатини қадрлаш, уларни ҳурмат қилиш, устозларга чексиз меҳмуҳаббат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Яна Адиба Носирова бу китобда саҳна нутқи педагогикасининг тамал тошини қўйган устози, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Назира Алиеванинг бадий сўз санъати йўналишида яратган ижод мактаби ҳақида ҳам батафсил тўхтаган. У кишига бўлган юксак шоғирдлик ҳурмати ва эҳтиромини ҳам баён этган.

"Мен дарс жараёнида уларни диққат билан қузатардим. Назира Алиева бизга қараб: "Бу институтда ўқиб учун истакнинг ўзи етмайди, истак истеъдод билан



қўшилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин" деганлари ҳамон ёдимда" – деб ёзади у. Муаллиф айни сўзлари билан талабаларга шоғирдларнинг устозга чексиз ҳурмат ва эътиқод кўрсатиши нечоғли зарурлиги борасида сабоқ беради. Шунингдек, муаллиф ўзбек халқининг буюк санъат даргалари – Маннон Ҳайдар, Аброр Ҳидоятлов, Шукр Бурхонов, Олим Ҳўжаев, Сора Эшонтўраевларнинг нутқий имкониятлари ва актёрлик маҳоратлари келажак авлод театр санъати вакилларига доимо намуна бўлишини ўқиради.

Профессор Адиба Носированинг "Санъат менинг тақдиримда" китоби ўзбек маданияти ва санъатининг энг муҳим, ажралмас қисми бўлган бадий сўз санъатининг бутунги кунда келажакга хизмат қиладиган асосий илмий-услубий, ижодий манбалардан бири бўлиб қолишига аминимиз.

Азамат Ҳайдаров, Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори

Аёлга бахт беринг...

Зулфия Мўминова – 60 ёшда



Аёлга бахт беринг, саодат беринг, Деманг юрибди-ку кулиб, жилмайиб. Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин, Дунёни олиши мумкин жилмайиб...

Мазкур мисралар муаллифи, шоира Зулфия Мўминова 1959 йил 15 июлда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган. ТошДўнинг филология факультетини тамомлаган. «Меҳнат шухрати» ва «Дўстлик» ордени соҳибаси.

23 ноябрь куни Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида 60 ёшни қаршилаган шоира Зулфия Мўминованинг ижодий кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, халқ шоирлари Усмон Азим, Сирожиддин Саййид, Махмуд Тойир, Ўзбекистон Қаҳрамони Хасан Нормуродов ва бошқалар иштирок этиб, самарқандлик ёшларга Зулфия Мўминованинг ижоди ва фаолияти ҳақида сўзлаб беришди.

Худди шундай тадбир 24 ноябрь куни Нарпай туманида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гавҳар Алимова, Хосият Бобомуродова, Тошпўлат Ўрхун каби ижодкорлар иштирокида ҳам ўтказилди.

Эҳтиром эгалари

Энг яхши бадий жамоа



«Навбахор» ашула ва рақс ансамбли Ўзбекистон давлат филармонияси таркибидagi энг ёш жамоалардан бири. Мазкур ансамбль 2014 йилда ташкил этилган. Жамоа ижодий фаолиятида миллий ашула, куй ва рақс санъати намуналарини чуқур ўрганиб, муҳлисларга тақдим этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У рангбаранг репертуари билан бошқа жамоалардан ажралиб туради.

Ансамбль қисқа давр ичида кўплаб халқаро тадбирларда иштирок этди. Жумладан, Россиянинг Москва, Қирғизистоннинг Бишкек, Татаристоннинг Қозон, Туркманистоннинг Туркманобод шаҳарларида ўтказилган Ўзбекистон ва чет эл санъаткорлари қўшма концертларида қатнашиб, қардош халқлар рақсларини ҳам маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган. Бу каби тадбирлар мамлакатимизнинг чет давлатлар билан маданий алоқалари мустаҳкамлишига озми-кўпми хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда Муҳаммадjon Шокиров, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, хонанда Каримбой Раҳмоновларнинг ҳам ансамбль ютуқларида ҳиссаси катта. Жамоанинг 20 нафарга яқин артисти Республика ва Халқаро кўрик танловлар ғолиби ҳамда лауреатларидир. Улардан рақс усталари Дилором Мадраҳимова ҳамда Шерзод Кенжабоев Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган III Халқаро рақс кўрик-танловида Гран-При, республика миқёсидаги «Ниҳол-2017» Давлат мукофоти совриндорларидир.

Ансамбль Ўзбекистон Маданият вазирлиги томонидан ўтказилган «Эҳтиром-2018»да «Йилнинг энг яхши бадий жамоаси» номинацияси билан тақдирланган. Бутунги кунда жамоада 14 нафар мусиқачи, 15 нафар хонанда, 33 нафар рақс артисти, жами 62 та ижодкор фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда жамоани Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулмира Мадраҳимова бошқариб келяпти.

Санъат менинг тақдиримда

Хотира муқаддас – қадр абадий!

20 ноябрь куни City Palace меҳмонхонасида моҳир педагог, фан номзоди, профессор, Ўзбекистон театр ижодкорлари аъзоси, санъат арбоби Адиба Носированинг «Санъат менинг тақдиримда» китоби тақдироти бўлиб ўтди. Шу куни ўзидан катта мактаб қолдирган устозни барча илқ хотиралар билан ёдга олди. Кечада унинг шоғирдлари, ҳамкасблари, фарзандлари билан бир қаторда ўзбек санъати даргалари – Рихси Иброҳимова, Ёқуб Аҳмедов, Эркин Комилов, Гавҳар Зокирова каби машҳур актёр ва актрисалар, адабиёт намояндalари ҳам иштирок этишди. Унинг эҳёни, ўз ишига масъулияти, ҳар бир сўзини ўрнида қўлай билиши, устозларига бўлган ҳурмати ва келажак авлод учун жон қуйдириши, шоғирдлари билан ишлаш жараёнлари ҳам самимий ёдга олинди.

Тарбиявий учрашув

“Оролга ҳаёт қайтмоқда”



18 ноябрь куни Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг бир гуруҳ илмий ходимлари Бухоро давлат университети “Тарих ва маданий мерос” факультети билан ҳамкорликда Жондор тумани чекка Мурғак қишлоғидаги 4-умумтаълим ўрта мактабига ташриф буюриб, 8, 9, 10-синф ўқувчилари билан

учрашув ўтказишди. Кечада Бухоро музейлари, Арқ тарихи, Бухоро дарвозалари тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилди. Шунингдек, Орол муаммосига алоҳида тўхталиб, “Оролга ҳаёт қайтмоқда” видеоролиги намойиш этилди. Тадбир давомида Ўзбекистон халқ хофиз О.Назарбековнинг “Оролим”

қўшиғи тингланди. Президентимизнинг 5 ташаббуси доирасида ёшларга китобхонлиқни тарғиб этиш мақсадида музей-қўриқхона кутубхона мудири томонидан тайёрланган китоблар кўргазмаси ва янги тарихий китоблар тўғрисидаги маълумотлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Мозий тилга кирганда

Бир музей тарихи

Музей – бу халқнинг ўтмишдан то бугунги кунгача сақлаб келган хазинаси. Шундай экан, музейда шу ўлкада яшаган халқлар тарихини яратишга қаратилади. Қаерда маданият, маърифат, қадрият қадрланса, шу ўлка фарзандлари комил инсон бўлиб етишади.

Мана шу жиҳатларни ўзида жамлаган даргоҳлардан бири, ўзининг бой экспонатларига эга Қорақалпоқ Давлат ўлкашунослик музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2017 йил 11 декабрдаги «2017-2018 йилларда давлат музейлари ишларини бажариш ва техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплексли ишлар дастури» тасдиқлаши ҳақидаги Қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи деган янги номга эга бўлиб, унинг таркибига Мўйноқ туманидаги Экология ва Эллиқалъа туманидаги Тарих ва археология музейлари бириктирилди.

Бу йил музейнинг ташкил топганига 90 йил тўлди. У Ўрта Осиёдаги энг эски илмий-маърифий масканлардан бири саналиб, дастлаб республиканинг биринчи пойтахти Тўрткўл шаҳрида (1929 й.) бир неча экспонат билан иш бошлаган. 1932 йил пойтахт Тўрткўлдан Нукус шаҳрига кўчирилди. Музейнинг очилиши ва ташкил этилишига бош-қош бўлган Н.А.Баскаков, Н.В.Торчинская, фольклорист, олим Қалли Айимбетовлар уни кенг оммага танитди. Эндилқда музей халқ маданиятининг ажралмас бир бўлагига айланиб, ундаги бебаҳо мерос элнинг маданий қадриятларини кўрсатишга хизмат қилмоқда. Музей ходимлари асосан мактаб ўқувчиларига, олий ва ўрта махсус таълим юртли талабаларига тематик экскурсиялар, учрашувлар ҳамда байрам кечаларини мунтазам ташкиллаштириб туришади. Шу билан бирга олий таълим масканлари талабалари ўз илмий-амалий ишларида музей экспонатлари билан танишиб, тегишли маълумотлар тўплашади.



Ҳар йили музейда кўргазмалар, байрамлар, юбилейлар, элимизнинг таниқли фарзандларини эслаш ва қадрлаш кечалари ўтказиб турилади. Музейда 80 мингга яқин экспонат жамланган. Улар қимматбаҳо металллар, этнография, янги тарих, табиат, археология, фоторасмлар ва фотонегативлар ҳамда хунарамандчилик фондларида сақланмоқда.

Ҳозирги кунда музейнинг янги биноси шаҳар марказида қад кўтариб, пойтахтимиз чиройига чирой қўшиб турибди. Музей экспозициясидаги мозийдан сўзловчи ҳар бир экспонат томошабинлар диққатини ўзига жалб этиб, халқимизда тарихий ва маданий меросларга катта қизиқиш уйғотмоқда.

Юртимиздаги тарихий ёдгорликлар билан бирга Орол денгизи ҳам саёҳлар ташриф буюрадиган масканга айланди. Орол суви ХХ аср ўрталаридан бошлаб камаёя бошлаган. Ҳозирги вақтда шу ерда яшовчи аҳолининг экологик аҳволини яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мўйноқ туманидаги музей ҳам 2018 йили қайта таъмирдан чиқарилиб, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейининг Мўйноқ туманидаги Экология музейи деб номланиб, экспозицияси қайта ишланди. Музей залларида Орол денгизи тўлиб-тошган вақтлардаги халқ турмуши акс этган фотосуратлар ва расмларнинг асарлари, денгиз қирғоқларида яшаган қушлар, балиқларнинг турлари музейга ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирмоқда.

Г.Низанова,

Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи этнография бўлими бошлиғи

Илм тарғиботи



Самарқанд вилояти Кўзи ожизлар кутубхонасида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил сентябрь ойидаги “Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Қарори асосида 2019 йил август ойида Наманган вилоятида кўзи ожиз китобхонлар ўртасидаги “Брайль ёзувида тез ва ифодали ўқувчи китобхон” кўрик танловининг республика босқичи ўтказилди. Унда китобхонлар учта шарт бўйича беллашди. Самарқанд вилоят Кўзи ожизлар кутубхонаси китобхонларга хизмат кўрсатиш бўйича ўз натижаларини кўрсатди. Китобхон Парвиз Хайриев 248 балл тўплаб, 1-ўринни қўлга киритди ва ноутбук билан тақдирланди. Наманган китобхони 244 балл билан 2-ўрин, Бухоро вакили 242 балл олиб, фахрли 3-ўринга лойиқ топилди. Уларга Республика Кўзи ожизлар марказий кутубхонаси томонидан совғалар топширилди. Шунингдек, Самарқанд вилоят Кўзи ожизлар кутубхонасида “Энг яхши китобхон оила” кўрик тан-

Игна билан ёзилган адабиётлар

лови ҳам ўтказилди, унда Фарҳод Ҳалимовлар оиласи 1-ўринни қўлга киритди. “Энг фаол китобхон” сифатида эса 59-ихтисослаштирилган мактаб интернати ўқувчиси Мехрангиз Хотамовага 1-ўрин берилди. АКМ ва туман кутубхоналари ўртасида кечган “Энг фаол кутубхоначи” кўриктанловида эса Самарқанд вилоят Кўзи ожизлар кутубхонасининг етакчи кутубхоначиси Зарнигор Нормуратова олий ўринни эгаллади. АРМ АКМлар ўртасида “Йилнинг энг яхши мутахассиси” танловида Самарқанд вилоят Кўзи ожизлар кутубхонасининг китобларга ишлов бериш бўлим мудири Мавлуда Амонова фахрли ўринга лойиқ кўрилиб, республика босқичига йўлланма олди.

Туман кутубхоналари бир қатор муҳим саналарга бағишланган тадбирларини ҳам режалаштириб, “Энг яхши кутубхона” ишини ўрганиш бўйича ҳар чоракда кўча семинарлар ўтказиб келинмоқда. Самарқанд вилоят Кўзи ожизлар кутубхонасида охириги 15 йилда биринчи марта Нарпай ва Оқдарё туманида янги Кўзи ожизлар кутубхонаси очилди. У Самарқанд вилоят Кўзи ожизлар кутубхонаси томонидан Брайль ёзу-

видаги китоблар, гапирувчи касселар ҳамда босма ҳарфдаги китоблар билан таъминланди. Шунингдек, кўп йиллик тажрибага эга мутахассис-кутубхоначилар жалб этилди. Қўшработ туманида кўча кутубхона очилди. Махсус ихтисослаштирилган 59-мактаб интернати, Сиебча маҳалласи, 81-МТМ билан шартномалар тузилиб, кўча кутубхоналар ташкил этилди. Кўзи ожиз китобхонлар ўртасида ҳамкор ташкилотлар Самарқанд АКМ, ЎзКОЖ Самарқанд шаҳар бўлини маси, 8-шаҳар Кўзи ожизлар Маданияти уйи, махсус ихтисослаштирилган 59-мактаб интернати, Сиебча маҳалласи, 81-МТМ ҳамкорликда муҳим саналарга бағишлаб турли тадбирлар ҳамда “Энг яхши, фаол китобхон”, “Энг яхши китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи” ва “Йилнинг энг яхши мутахассиси” кўрик-танловлари ўтказиб келинмоқда. Жорий “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да Кўзи ожизлар кутубхонаси қошида кўзи ожиз китобхонлари Брайль ёзувида янги китоблар билан таъминлаш учун “Кичик босмахона” ишга тушириш режалаштирилди.

Д.Кушаклова,
кутубхона ишлари бўйича директор ўринбосари

Мазмунли вақт

Театр ёшларнигоҳида



Ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича юртбошимиз томонидан “Бешта муҳим ташаббус” илгари сурилди. Мақсад асосан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган. Шу муносабат билан Жиззах вилоят кўғирчоқ театри ҳамда шаҳардаги 17-умумтаълим мактаби ҳамкорликда ёшларнинг театрга бўлган қизиқишини янада ошириш чораларини кўришмоқда.

19 ноябрь куни кўғирчоқ театрининг бош режиссёри Каромат Исимова, расом Лазиз Ғаниев, адабий-эмакдощ Г.Салимовалар мактабнинг театр соҳасига қизиқувчи ўқувчилари билан давра суҳбати ўтказишди. Тадбирда театр ижодкорлари томонидан бир спектаклни саҳналаштириш давомида босиб ўтиладиган йўл, яъни эскизлар тайёрлаш, кўғирчоқларни ясаш, саҳнани безаш, репетиция ишлари каби жараёнлар ҳақида қизгин,

амалий тушунча ва кўникмалар берилди.

Болаларнинг чақнаб турган кўзларидан уларга берилган этибор - меҳрдан жуда мамнунлиги яққол сезилди. Биз келажак авлодимизни, шу юртнинг бўлажак эгалари бўлмиш ёшларимизни қанчалик эъзозласак, улардан албатта юртимизни, халқимизни ардоқлайдиган инсонлар етишиб чиқишига ишончимиз комил.

Халқаро танлов

**“Open Asia”:
бронза
медали кимга
насиб этди?**



22-23-24 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида “OPEN ASIA” Халқаро танлови бўлиб ўтди.

Бу дунёнинг турли бурчақларидан минглаб истеъодларни бир саҳнага жамлаб, уларнинг ҳар бирига ўз маҳоратини намоиш этиш, бошқа рақиблар билан тажриба алмашиш ва энг нуфузли соврин — Гран-при учун курашиш имкониятини берув-

чи халқаро танловдир.

Маъзур танловда Хонқа туманидаги 7-ВМСМ фортепиано ўқитувчиси Камолитдинова Санобарнинг 3-синф ўқувчиси Широной Рўзмаматова ҳам иштирок этди. Широной фортепиано яккахонлиги гуруҳида катнашиб, фахрли 3-ўринга лойиқ деб топилди ва бронза медали билан тақдирланди.

Китобхонлик

“Рақамли қалъа”дан таъсирланиб...

Адабиёт кўнгил туйғуларини тарбиялайди. 1965 йилда таваллуд топган америкалик ёзувчи Ден Браун асарлари дунёда энг кўп нусхада чоп этиладиган асарлар сирасига киради. Айниқса, у “Рақамли қалъа” асарини ўз криптография рамзларига қизиқиши асосида ёзади.

Асарда давлат ташкилотларидаги иш фаолиятида шахсий манфаатни биринчи ўринга қўйиш қандай оқибатларга олиб келиши ҳамда келажақда жамият, қолаверса, мамлакат равнақида интеллектуал салоҳиятга эга, креатив фикрлайдиган ҳамда ватанпарвар кадрлар нақадар зарурлиги ғоявий жиҳатдан очиб берилган.

“Рақамли қалъа” асари детектив жанрда ёзилган бўлиб, мамлакатнинг ички ижтимоий-сиёсий ҳолатларини очиб беради. Шунингдек, дунёда мавжуд криптография соҳаси тўғрисида ҳам маълумотлар оласиз. Бундан ташқари, 1945 йилда атом бомбалари остида қолган Хиросима ва Нагасакидаги инсонларнинг аянчи тақдирини ҳам таъсирли ёритилган. Асардаги қаҳрамон Танкадо орқали япон халқининг садоқати, интилувчанлиги, ватанпарварлиги тасвирланган.

Бош қаҳрамон Сюзиннинг шижоати, қатъияти, садоқати, эришган муваффақияти, яъни дунёдаги қудратли мамлакат — АКШнинг миллий хавфсизлик хизматида юқори мавқега эга бўлгани, бунга ўз интилувлари, билими билан эришгани ҳар мутолаачига мотивация ҳиссини беради.

Одатда бадий асарларга ҳар бир ўқувчи

ўз дунёқарашидан келиб чиқиб ёндашади. Инсон қанчалик ўз шахсий фикрига эга бўлса, унда таҳлил қилиш қобилияти шунчалик ривожланиб боради. Кувонарлиси, маълум вазиятга шунчаки субъектив ёндашиб қолмай, атрофлича танқидий баҳо ҳам бера олади. Бу эса ўз навбатида ўқувчини асарда ёзилган ҳар бир қаҳрамон, жараёндаги салбий ва ижобий жиҳатларни ажрата билиш, бир-бирига таққослай олиш ҳамда ўзи учун зарурий хулоса чиқаришга ундайди.

Талабаларга ўзбек адабиёти билан бирга, жаҳон дурдоналаридан ҳам баҳраманд бўлиш тавсия этилади. Жаҳон адабиёти кенг уммон, унинг бағрида дуру жаҳоирлар бисёр. Ўқувчи у орқали бошқа бир миллат анъаналарини, муқаддас қадриятларини, маънавий дунёсини ўрганиб боради.

Наргиза АЛИЖОНОВА,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси



Кутлов!

Устозга эҳтиром



60 ёшни қаршилаган Илҳом Норматов анча йиллардан буён Жиззах вилояти мусиқали драма театрида самарали фаолият олиб бормоқда. У илк ролларини С.Аҳмаднинг «Ўфқ» асарида Низомжон, Ҳ.Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак» ида Ҳатир, М.Митровичнинг «Ярим тундаги ўғирлик» ида Диола каби қаҳрамонлардан бошлаган.

Устоз Норматов 1993 йилдан саҳналаштирувчи режиссёр, 1995 йилдан бошлаб то хозирги кунга қадар театрнинг бош режиссёри лавозимида ишлаб келмоқда. Унинг “Мангулик йўлдоши” спектакли “Ёш томошабинлар учун қўйилган асарлар” фестивалида 2-ўрин, “Ўлдинг, азиз бўлдинг” спектакли эса Қозоғистон Республикасида ўтказилган туркий забонлилар халқаро театрларнинг “Театр баҳори – 2007” кўрик-танловида 1-ўринга лойиқ топилган. Шунингдек, 2003 йилда “Бойқуш” саҳна кўриниши “37-1” Ўзбек театри лойиҳаси асосида замонавий мавзуда саҳналаштирилган спектакллар” танловида “Ақидадарастлик ва терроризмга қарши кураш гоёсининг бадий ифодаси” учун энг яхши спектакль номинациясига эга бўлган.

Илҳом Норматов сўнгги йилларда малакали, етук ижодкор-режиссёр сифатида Ўзбек халқининг буюк номандалари образини акс эттирувчи, ватан ва ватанпарварлик, миллий истиклол гоёси мавзуларини кенг тарғиб қилувчи юксак бадий асарлар яратиб келмоқда. Режиссёр ўзининг фидокорона хизматлари учун муҳтарам Президентимиз томонидан Мустақиллигимизнинг 28 йиллик тантанаси арафасида “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

25 ноябрь кунин 60 ёшни қаршилаган устозимизни театр жамоаси номидан табриклаймиз.

Миржалол Шайзоқов, театр актёри

Эълон

Ўзбекистон давлат консерваторияси

ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Кафедра мудири – “Академик хонандалик ва опера тайёрлови” кафедраси (профессор), “Муסיқий овоз режиссёрлиги ва информатика” кафедраси (профессор)
- “Муסיқа тарихи ва танқиди” кафедраси – (фан номзоди) профессор, (фалсафа доктори PhD) доцент, катта ўқитувчи
- “Оркестр дирижёрлиги” кафедраси – профессор
- “Муסיқа педагогикаси” – (фан номзоди) профессор
- “Эстрада хонандалиги” – (фалсафа доктори PhD) доцент
- “Мақом хонандалиги” – доцент, катта ўқитувчи
- “Халқ чолғуларида ижрочилик” – доцент, катта ўқитувчи
- “Муסיқий овоз режиссёрлиги ва информатика” – доцент, катта ўқитувчи
- “Мақом чолғу ижрочилиги” – доцент
- “Махсус фортепиано” – катта ўқитувчи
- “Ўзбек ва хорижий тиллар” – катта ўқитувчи
- “Эстрада чолғу ижрочилиги” – катта ўқитувчи
- “Академик хор дирижёрлиги” кафедраси – ўқитувчи
- “Пуфлама ва зарбли чолғулар” кафедраси – ўқитувчи

Танловда иштирок этиш учун давъогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати
- мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси;

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

Телефон: (71) 244-94-51

Истеъдод



Сурхон тоғларини жаранглатган қиз

Воҳанинڭ ёш, сергайрат истеъдоди Сарвиноз Ўроқова 2003 йилнинг 17 декабрида Жарқўрғон тумани “Янгиобод” маҳалласида дунёга келган. У тумандаги 5-болалар муסיқа ва санъат мактабининг Эстрада хонандалиги синфини тамомлаб, хозирда Академик хонандалик йўналишида таҳсил олмақда.

Қаҳрамонимиз ўзининг тириш-қоқлиги, санъатсеварлиги билан ўртоқлари орасида ажралиб тўради. У барча тадбирларда фаол катнашади. Жумладан, 2012 йил “Академик чолғулар ва эстрада хонандалари” вилоят кўрик-танловида 1-ўринни, “Ягонасан, муқаддас ватан” вилоят босқичида 3-ўрин, 2013 йил “Академик чолғулар ва эстрада хонандалари” 2-ўрин (вилоят босқичи), “Сурхон тоғлари садоси” 2-ўрин (вилоят босқичи), “Ягонасан, муқаддас ватан” республика кўрик-танловининг ви-

лоят босқичида 2-ўрин, “Ёш ижрочи – 2013” вилоят кўрик-танловида Эстрада хонандалиги йўналишида 1-ўрин, Виолончелъ ижрочилигида 1-ўрин, “Янги авлод” болалар фестивалида Эстрада хонандалиги йўналишида 1-ўрин (вилоят босқичи), “Замонамиз куйчиси” республика танловида 2-ўрин, 2016 йил Навоий вилоятида бўлиб ўтган “Академик ва эстрада ижрочилиги” Республика танловида 3-ўринни эгаллаган. 2017 йил “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги”га бағишлаб ўтказилган

Республика кўрик-танловида 3-ўрин, 2018 йил Ансамбллар республика кўрик-танловида 2-ўрин, 2019 йил “Академик ва эстрада ижрочилиги” республика танловида 2-ўрин ва шу кунларда бўлиб ўтган “ЮЛДУЗЧА” телевизион болалар вокал танловида мутлоқ ғолибликни қўлга киритди.

Сарвиноз Ўроқова хозирги кунда мутахассислиги бўйича ўз устида ишлаш билан бирга сайлов жараёنлари олдидан сиёсий партиялар томонидан ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларида ҳам фаол катнашиб келмоқда.

Хисобот концерти

Дилда хануз "Навбахор"

19 ноябрь куни "Туркистон" санъат саройида Ўзбекистон Давлат филармонияси "Навбахор" ашула ва рақс ансамблининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шухрат Қаюмов олиб борди. Дастур давомида "Фасли навбахор", "Хуш келдингиз", "Муножот", "Дилхирож", "Наманганнинг олмаси" ва бошқа ўзбек миллий куй-қўшиқлар янграб, жози-



бадор рақслар намойиш этилди. Ансамблнинг яққохон хонандалари Абдулла Раҳимов, Сурайё Қосимова, Олим Мирзаев, Шоҳсанам Холмирзаевлар шўх қўшиқлари билан залдаги томошабинларга кўтаринки кайфият улашишди. Жонли ижродаги қўшиқлар, жозибали рақслар ҳар бир келган томошабин юрагидан жой олди.

Ёшлар – келагачимиз

Ўқувчилар шарт-шароитдан хурсанд



18 ноябрь куни Фарғона вилояти Бешариқ тумани Рапқон қишлоғидаги "Маърифат маркази" да туман маданият бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг 28 йиллик қултўғ санасига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Рапқон Маданият маркази ходимлари, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши етакчилари ҳамда 40-умумтаълим мактаби ўқувчи-ёшлари иштирок этишди. Тадбир доирасида ўқувчиларга туман ҳокимлиги томонидан совға қилинган бадиий китоблар намойиши ҳам ўтказилди. Ўқувчилар эндиликда ушбу масканда барча китоблардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилганидан хурсанд бўлишди. Кечанинг бадиий қисмида ўқувчилар томонидан шеърлар ва куй-қўшиқлар ижро этилди.

Жон қизлар



Ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкиллаштириш, уларни санъатга қизиқтириш, маънавиятини бойитиш ҳамда тарбиялаш мақсадида 19 ноябрь куни Сурхондарё вилояти мусикали драма театри жамоаси томонидан Тошкент тиббиёт академияси талабаларига Қ.Шанғитбоев, Қ.Бейсеитовларнинг "Жон қизлар" асари асосида "Сулувлар" спектакли намойиш этилди. Ижрочилар ўз ролларини маромига етказиб ўйнагани боис саҳна асари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди ва узоқ олқишланди.

О. Муҳитдинов,
Театр томошабинлар бўйича директор ўринбосари

Истеъдодлар сараланди

Президентимизнинг 2019 йил 19 мартдаги видеоселектор йиғилишида илгари сурган 5 та муҳим ташаббуси ижроси юзасидан ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги Маданият бошқармасининг жорий йил май ойидаги Буйруғига асосан бошқарма тасарруфидаги Каттақўрғон шаҳар 2-Болалар мусика ва санъат мактабида 18 ноябрь куни Вилоят ансамбллар кўрик танловининг минтақавий саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда 2-БМСМ ўқувчилари низома кўрсатилган барча йўналишлар бўйича иштирок этиб, кейинги босқичга йўлланма олишди.

Маданий алоқалар



Хоразмда Мангистау кунлари ўтказилди

2017 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Қозоғистон Республикаси 1-президенти Нурсултон Назарбаев ўртасида 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари ва 2019 йил Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари бўлиб ўтиши ҳақида келишилганди.

Топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 18 ноябрь куни Ўзбекистонга Қозоғистон Республикаси Мангистау вилоятидан делегация ташриф буюрди.

19 – 22 ноябрь кунлари Хоразм вилоятида Мангистау вилояти кунлари бўлиб ўтди. 21 ноябрда 1-2-Болалар мусика ва санъат мактабларида Қозоғистон Республикасидан ташриф буюрган ҳалқаро кўрик-танлов ва фестиваллар лауреатлари Айгерим Кулжаросова (ашула) ва Хамит Байкулов (дўмбира, рубоб прималялар маҳорат дарсларини ўтказишди. Учрашув чоғида ўқитувчи

ва ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб ҳам олишди. Яна шу кун соат 18:00 да вилоят мусикали драма театрида Қозоғистон Республикаси Д.Нурпейсов номидаги қозоқ халқ чолғулари академияси оркестр жамоасининг концерти бўлиб ўтди.

Азал-азалдан санъат ва маданият инсон тафаккурини, маънавиятини тарбияловчи муҳим омил, шунингдек, миллатлараро узилмас кўприк вазифини ўтаган. Санъатга ошuftа қалблар бир-бирларини таржимонсиз тушуна олган ва бу бардавомдир. Қардош республика вакиллари томонидан ижро



этилган асарлар яна бир бор чин санъат миллат танламаслигига яққол мисол бўлди десак янглишмаймиз.

Истеъдодларни излаб

Қувноқлар ва зукколар

Давлатимиз раҳбарининг 5 та муҳим ташаббуси ижроси доирасида ёшларни мусика, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш ҳамда истеъдодларини юзага чиқариш мақсадида 15 ноябрь куни Жиззахнинг Фориш туманидаги 5-умумтаълим мактабида ёшлар ўртасида "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танлови ташкил этилди. Унда мактабнинг "Дугоналар", "Янги юлдузлар", "№1", "Учар бугулар" жамоалари "Таништирув", "Бугуннинг муаммоси" ва "Савол-жавоб" шартлари бўйича ўзаро беллашдилар. Танловда ўзларининг қувноқ ва зукколиклари билан "Учар бугулар" жамоаси голибликни қўлга киритди. Тадбирда Маънавият ва маърифат марказининг туман бўлими раҳбари Н.Солиев сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ғолиб жамоага мактаб маъмурияти томонидан диплом, пул мукофоти ва махсус кўчма кубок тақдим этилди. Қолган жамоалар ва фаол иштирокчиларга фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

Л.Ҳақимова,
Фориш маданият маркази мутахассиси

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият
вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилдахор Худойбердиева
Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Шоҳида Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8345 Буюртма - Г - 1127
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

Газета "Шарқ" нашриёт-
матбаа акциядорлик ком-
панияси босмаҳонасида
чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмаҳонага топшириш
вақти - 22.00
Топширилди - 22.00
1 2 3 5 6